

МАТБУОТ АНЖУМАНИ: 2026 йил 1-чорак якунлари ва 2026/2027 йил куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнлари

Акциядорлик жамиятида электр энергиясини узатиш, тизимларни эксплуатация қилиш ва ривожлантириш борасида 2026 йилнинг 1-чорагида амалга оширилган ишлар ҳамда 2026 йил режасига мувофиқ давом эттирилаётган вазифалар юзасидан маълумот.

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” 2019 йил 27 мартдаги ПҚ–4249-сонли Қарорига асосан ташкил этилган бўлиб, асосий фаолияти электр энергияси транспортировкаси ва давлатлараро транзитини амалга оширишдан иборат.

Акциядорлик жамияти таркибий тузилмасида **17 та филиал** мавжуд, уларда жами **8 973 нафар** ходимлар фаолият юритмоқда. 14 та Магистрал электр тармоқлари, “Энергомахсусавто”, “Енерго-IT” ҳамда “Магистралтармоққурилиш” филиаллари.

I. Электр энергиясини узатиш, технологик йўқотишларни камайтириш, иқтисод қилиш бўйича:

1-ЧОРАКДА:

- **21,9** млрд. кВт·соат (108%) электр энергияси транспортировка қилинди;
- технологик йўқотиш миқдори **1,1** млрд. кВт·соат, **3,97** %ни ташкил этди (меъёр **1,2** млрд. кВт·соат, **4,99** %);
- **19,9** млн кВт·соат (101%) электр энергияси иқтисод қилинди;
- энергоаудит (“ТТТ-AUDIT” МЧЖ, 2025 йил сентябрь) хулосасига кўра йилига **3,6** млн кВт·соат электр энергиясини тежаш чора-тадбирлари белгиланди;
- бир бирлик (1000 кВт·соат узатиш) хизмат кўрсатиш учун электр энергия сарфи **48,7** кВт·соат (режа **53,3** кВт·соат);
- ўз истеъмоли **12,8** млн кВт·соат (режа **17,9** млн кВт·соат), хўжалик истеъмоли **1,1** млн кВт·соатни (режа **1,9** млн кВт·соат) ташкил этди;
- жами **834** кВт қуёш панеллари ўрнатилди.

2026 ЙИЛ ЯКУНИГА ҚАДАР (РЕЖА):

- **82,1** млрд кВт·соат электр энергияси транспортировка қилинади, технологик йўқотиш **4,3** млрд кВт·соат, **4,96** % (меъёр **4,4** млрд кВт·соат, **5,06** %) миқдорида бўлишига эришилади, **115,3** млн кВт·соат (103%) электр энергияси иқтисод қилинади;
- бир бирлик (1000 кВт·соат узатиш) хизмат кўрсатиш учун электр энергияси сарф режаси **50,9** кВт·соат;

- ўз истеъмоли **69,5 кВт·соат** (режа **78,1 кВт·соат**), хўжалик истеъмоли миқдори **4,5 кВт·соат**ни (режа **6,3 кВт·соат**) ташкил этади;
- **490 кВт** қўшимча қуёш панеллари ўрнатилади.

II. Асосий фаолият (эксплуатация, таъмирлаш, захира) бўйича:

Акциядорлик жамияти тасарруфида айни пайтда **1 675 та** подстанция, **38 623 км** узунликка эга электр узатиш тармоқлари мавжуд бўлиб, умумий қувват **61 012 МВА** ни ташкил этади.

1-ЧОРАКДА:

- **15 146 км** (107 %) тармоқлар режали кўриқдан ўтказилди, **9 134 км** (100 %) тармоқлар ва **444 та** (101 %) подстанциялардаги электр қурилмаларининг контакт бирикмалари **тепловизор** кўригидан ўтказилди, **9,1 км** тармоқлар **дрон** кўригидан ўтказилди **71 та** (101 %) совитиш тизимлари таъмирланди, **9 134 та** изолятор алмаштирилди;
- **781 та** (108 %) трансформатор, **861 та** (113%) ўчиргич ва **5 425 км** (105%) тармоқлар **жорий** таъмирланди;
- **11 та** (183 %) трансформатор, **62 та** (115%) ўчиргич ва **243 км** (279%) ҳаво электр узатиш тармоқлари **мукамал** таъмирланди;
- аварияларни тезкор бартараф этиш учун **222 та** навбатчи гуруҳлар бригадалари махсус автотранспорт, зарурий эҳтиёт қисмлар, алоқа ҳамда химоя воситалари билан тўлиқ таъминланган.
- **799** дона транспорт воситалари ва механизмлари мавжуд. **210** дона махсус транспорт, **18** дона автобус, **124** дона юк автотранспорт, **120** дона енгил автотранспорт, **69** дона механизмлар, **258** дона оператив (тезкор) воситалар.

Жорий йил “ёз мавсуми” ва 2026-2027 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида

БАЖАРИЛДИ: 2026 йил 1-чоракда,

- **23 552 км** магистрал электр узатиш тармоқлардан **5 667 км** (24 %), **2 817 та** куч трансформаторлардан **792 та** (28 %), **4 217 та** ўчиргичлардан **921 та** (22 %) таъмирланди.
- Магистрал электр тармоқлари учун **36 та** темир-бетон таянчлар, **24 та** метал таянчлар, **10 000 дона** изоляторлар, **45 та** трансформаторлар, **120 тонна** трансформатор мойи, **700 кг** техник пластиналар, **15 тонна** симлар, **9,8 км** кабеллардан иборат авариявий **захира** яратилди.
- “Ягона электр энергетикаси тизимида технологик бузилишларни текшириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги Низоми”га асосан **63 та** II даражали **ўчишлар** ҳисобга олинган (*ўтган йил мос даврига нисбатан 52 тага ошган*).

БАЖАРИЛМОҚДА: 2026 йил давомида,

- **36 633 км** тармоқлар режали кўриқдан ўтказилади, **36 993 км** тармоқлар ва **1 676 та** подстанциялардаги электр қурилмалар контакт бирикмалари **теповизор** кўригидан ўтказилади, **37 км** тармоқлар **дрон** кўригидан ўтказилади, **33 934 та** изолятор алмаштирилади, **582 та** совитиш тизимлари таъмирланади;
- **2 750 та** трансформатор, **3 939 та** ўчиргич ва **21 414 км** ҳаво электр узатиш тармоқлари **жорий** таъмирланади;
- **67 та** трансформатор, **278 та** ўчиргич ва **2 139 км** ҳаво электр узатиш тармоқлари **мукамал** таъмирланади;
- Ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари исроф бўлишини олдини олиш мақсадида **4 дона** замонавий ёқилғи тарқатиш колонкалари фаолияти йўлга қўйилади.

III. Инвестиция дастурларининг ижроси бўйича:

1-чорақда, барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан **117,2 млн доллар** ўзлаштирилди, яъни шу маблағлар миқдорига тенг миқдорда ишлар бажарилди (режа 83,8 млн доллар, 140 %), шундан:

- хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан **105,5 млн доллар** (режа 72,9 млн доллар 145 %, йиллик режага нисбатан 20 %);
- давлат кафолати остидаги чет эл маблағлари ҳисобидан **19,5 млн доллар** (режа 11,1 млн доллар, 176 %), бошқа хорижий инвестициялар **86,0 млн доллар** (режа 61,8 млн доллар, 139 %).
- соҳа маблағлари ҳисобидан **2,2 млн доллар** (режа 0,9 млн доллар, 246 %);
- тижорат банк кредитлари ҳисобидан **4,0 млн доллар** (режа 4,0 млн доллар, 100 %);
- тикланиш ва тарраққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан **5,4 млн доллар** (режа 6,0 млн доллар, 91 %).

Шунингдек, ижтимоий инфратузилма дастури доирасида Республика бюджет маблағлари ҳисобидан **17,0 млн доллар** (режа 13,7 млн доллар, 124%) ва йилдан-йилга ўтувчи соҳа маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича **7,1 млн доллар** (режа 3,8 млн доллар, 186%) ўзлаштирилди.

Йил якуни билан, барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида **664,4 млн доллар** ўзлаштирилади (2025 йил амалда ўзлаштириши 476,3 млн долларга нисбатан 139 % ни ташкил этади).

Шундан:

- хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан **516,6 млн доллар**;
- давлат кафолати остидаги чет эл маблағлари **232,5 млн доллар**, бошқа хорижий инвестиция маблағлари **284,1 млн доллар**;
- соҳа маблағлари ҳисобидан **27,8 млн доллар**;

- тижорат банки кредитлари ҳисобидан **60,0 млн доллар**;
- тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан **60,0 млн доллар**ни ташкил этади.
- **22,0 млн доллар** бўлган **2 та** (“Мерганча” подстанцияси – янги қурилиш, “Беруний” подстанцияси – реконструкция) лойиҳа ишга туширилади, натижада **250 МВА** қувватли **1 та** подстанция (“Мерганча” подстанцияси) ҳамда **2 км** 220 кВ кучланишли электр узатиш тармоғи фойдаланишга топширилади;
- янги қурилиш ва модернизация дастури доирасида амалга ошириладиган ишлар натижасида жами **1 102 МВА (9 та подстанцияда)** қўшимча қувват **яратилади**;
- ишга тушириладиган инвестиция лойиҳалари ҳамда дастурлар доирасида тизим корхоналарида **38 та** янги иш ўрнини яратилади.

3.1. Вазирлар Маҳкамасининг 598-сонли қарори ижроси бўйича (Тошкент шаҳридаги электр тармоқларини ривожлантириш):

Лойиҳанинг умумий қиймати **1 424 млрд сўм**ни ташкил этади.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2025–2026 йилларда амалга оширилиши белгиланган. “Тайёр ҳолда топшириш” шарти билан Бош пудратчи “Ўзэнерготаямир” АЖ, сублоийҳачи “Ўзэнергоинжиниринг” АЖ, тузилган шартномага асосан узоқ муддат тайёрланадиган ускуналарни харид қилиш учун **503,4 млрд сўм**, қурилиш-монтаж ишлари учун **215,7 млрд.сўм** жами **719,1 млрд. сўм**лик тўлов амалга оширилган.

1-чорақда қурилиш-монтаж ишлари доирасида **69,0 млрд. сўм** маблағ ўзлаштирилди. Қарорга мувофиқ жами **40 та** объектда (**23 та подстанция, 17 та электр узатиш тармоғи**) модернизация ишлари амалга оширилади, барча объектлар бўйича зарур бўлган лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари бош пудратчига тақдим қилинган.

23 та подстанциядан, 5 таси янги қурилади, **18 тасида** модернизация ишлари амалга оширилади. **5 та** янги қуриладиган подстанцияларнинг **3 тасида** ишлар бошланган (*Ийкота, Янги Авлод, Дўстлик*), **1 тасида** лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, ускуналарга буюртма берилди, темир-бетон маҳсулотлари олиб келиниб, ўрнатилмоқда (*Қумариқ*), **1 тасида** ер ажратилиб, лойиҳа ишлари бажарилмоқда (*Қўшқўприк*).

18 та модернизация ишлари амалга оширилиши белгиланган подстанциялардан, **17 тасида** ишлар бошланган: *МЖК, Рисовая, Бешқўрган, “ОДО”, “Юртим”, “Севинч”, “Ўзғариш”, “Пригород”, Икарус Истиқбол”, “Панель”, “Подъёмник”, “Бунёдор”, “Алгоритм”, “Шайхонтоҳур”, “ДОЗ”, “Карвон”*.

- **1 тасида** лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда (“Салар”);
- **17 та тармоқлардан, 8 таси** янги қурилади ва **9 таси** модернизация қилинади;

- **8 та** тармоқлардан, **1 тасида** ишлар якунланган (*Л-Истиқлол 1,2 110 кВ*);
- **4 тасида** қурилиш ишлари олиб борилмоқда (*Қўйлиқ-Хосилот, Тошкент Сити-Ўзбекистон, Ийкота ва Янги авлод электр тармоқлари*);
- **3 тасида** лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда (*Дўстлик, Қумариқ, Қўшқўприк*);
- **9 та** тармоқдан, **3 тасида** ишлар якунланган (*Спутник-Карьер, Юртим-ТЦ-5, Ботаника-Ўзбексельмаш*);
- **6 тасида** қурилиш ишлари олиб борилмоқда (*Қатортол-Ювелир, Юнусобод-ОДО, Қўйлиқ-Панель, Текстильный-ТТМ, Ботаника-ОДО ҳамда “Янги Авлод” МСЗ ҳудудидан ўтган ЭУТни кўчириш*).

3.2. Вазирлар Маҳкамасининг 599-сонли қарори ижроси бўйича (эскирган 35–110 кВ қучланишли электр тармоқлари ва подстанцияларда модернизация-реконструкция ишлари):

Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 ноябрдаги 26/24-155-сонли топшириғи билан “fast-track” усулида (*бир вақтнинг ўзида лойиҳалаштириш, харид қилиш ва қуриш*) амалга ошириш ҳамда зарур бўлган электр ускуналарни бош пудрат ташкилоти томонидан сотиб олишга рухсат берилган, 2025 йил 28 ноябрдаги 26/1-421-сонли топшириғи билан чора-тадбирлар режаси (*объектлар рўйхати*) тасдиқланган.

Бош пудратчи: “Ўзбекэнерготаймир” АЖ билан умумий қиймати **836,4 млрд. сўмга** шартнома қилиниб, шундан жами **250,9 млрд. сўм**, бош лойиҳачи “Ўзэнергоинжиниринг” АЖ билан умумий қиймати **77,6 млрд. сўмга** шартнома қилиниб, **23,3 млрд. сўм** маблағ тўланди.

Модернизация қилинадиган объектлар умумий сони **94 та**, шундан: **53 та подстанция** (*110 кВли – 26 та ва 35 кВли – 27 та*) ва **41 та тармоқ** (*110 кВли – 21 та ва 35 кВли – 20 та*), умумий узунлиги **930 км**.

1-чорақда 23 та трансформаторлар харид қилиниб, **175,0 МВА** қўшимча қувват яратилди. Қорақалпоғистон Республикасида **6 МВА**, Хоразмда **9 МВА**, Андижонда **12 МВА**, Жиззахда **34 МВА**, Самарқандда **28,4 МВА**, Сурхондарё вилоятида **21 МВА**, Тошкент вилоятида **18 МВА**, Қашқадарёда **47,1 МВА** оширилди. **3 та** подстанцияда янги КРУН ячейкалари ўрнатилди. Ўта юклама билан ишлаётган тармоқларнинг жами **139,7 км** сими алмаштирилди.

Тошкент вилоятида **33,5 км**, Андижонда **24,2 км**, Жиззахда **10,0 км**, Хоразмда **21,5 км**, Самарқандда **15,8 км**, Наманганда **23 км**, Қорақалпоғистон Республикасида **9,7 км** ва Навоий вилоятида **2,0 км**;

3.3. 2025 йил 30 декабрдаги “Қайта тикланувчи энергия манбалари қувватларини ягона электр энергетика тизимига интеграция қилиш ишларини

жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-400-сон қарор ижроси бўйича:

Лойиҳа доирасида жами **345 км 500 кВ** кучланишли электр узатиш тармоғи қурилиши режалаштирилган. “Талимаржон ИЭС” ва “Сўғдиёна” подстанцияси оралиғида 245 км тармоқ қурилиши, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари ҳудудида; “АСВА Сирдарё” ва “Халқа” подстанцияси оралиғида 100 км тармоқ қурилиши, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳудудида.

Лойиҳанинг техник-иқтисодий ҳисоб-китобини ишлаб чиқиш бўйича тасдиқланган техник топшириғига “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК томонидан (09.02.2026 йил) ижобий экспертиза ҳулосаси тақдим этилди ва ҳозирги кунда лойиҳа техник-иқтисодий ҳисоб-китобини ишлаб чиқиш ишлари олиб борилмоқда.

Лойиҳанинг дастлабки қиймати **147,0 млн доллар**, якуний қиймат техник-иқтисодий ҳисоб-китоб ҳужжатлари ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилгандан сўнг аниқлаштирилади. **100,0 млн доллар**ни молиялаштириш бўйича Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан шартнома имзоланди.

47,0 млн доллар қисмини молиялаштириш бўйича Энергетика вазирлиги, Инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги билан биргаликда Осиё тараққиёт банкига таклиф-сўров тайёрланмоқда.

Лойиҳани “тайёр ҳолда топшириш” тамойили асосида амалга ошириш учун танлов савдолари ўтказилди, натижасига кўра “UET Construction” МЧЖ билан пудрат шартномаси (06.03.2026 йил) расмийлаштирилди, шартномага қўшимча келишув (16.03.2026 йил) имзоланиб, “Лойиҳалар ва харидлар самарадорлигини ошириш маркази” ДМ орқали рўйхатдан ўтказилмоқда. Пудратчи томонидан сафарбарлик, фундамент ўрнатиш ва таянчларни етказиб бериш ишлари олиб борилмоқда. Лойиҳа доирасида ер тоифасини ўзгартириш бўйича Ҳукумат комиссиясига таклиф киритилиш юзасидан Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилояти ҳокимларига хатлар юборилди.

3.4. “Яшил энергия”, қайта тикланувчи энергия манбааларидан фойдаланиш, электр энергиясини хусусий ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорлик бўйича:

Бугунги кунга қадар умумий қуввати **6 979 МВт** бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги электр станциялари ишга туширилди. Жумладан:

4430 МВт қуёш фотоэлектр станциялари:

“Masdar” компанияси томонидан Навоийда **100 МВт**, Самарқандда **220 МВт**, Жиззахда **220 МВт**, Сурхондарёда **457 МВт**, Бухорода **250 МВт** жами 1247 МВт, “Terelen Group AG” компанияси томонидан Самарқандда 20 МВт,

Наманганда 500 МВт, “China Energy” компанияси томонидан Бухорода **500 МВт** ва Қашқадарёда **500 МВт** жами 1000 МВт, “China Datang Overseas Investment” компанияси томонидан Бўка туманида қуввати 263 МВт, “СЕЕ” ва “China Huadian Overseas Investment” компаниялари томонидан Жиззахда 500 МВт, “Total Energies” компанияси томонидан Самарқандда 100 МВт, “Votalia” компанияси томонидан Хоразмда 100 МВт, “ACWA Power” компанияси томонидан Тошкент вилоятида 200 МВт, “Hyper Partners” компанияси томонидан Наманганда 500 МВт.

1 652 МВт шамол электр станциялари:

“ACWA Power” компанияси томонидан Бухоро вилоятида 1052 МВт, Қорақалпоғистон Республикасида 100 МВт, “Masdar” компанияси томонидан Навоий вилоятида қуввати 500 МВт.

897 МВт электр энергиясини сақлаш тизимлари:

“Чина Энержи” компанияси томонидан Андижонда **150 МВт**, Фарғонада **150 МВт** ва Тошкент вилоятида **200 МВт**, жами 500 МВт, “ACWA Power” компанияси томонидан Тошкент вилоятида 334 МВт, “Масдар” компанияси томонидан Бухорода 63 МВт.

2026 йил давомида умумий қуввати **3 929 МВт** бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги электр станциялари **ишга туширилади**, жумладан:

2 100 МВт қуёш фотоэлектр станциялари:

Навоийда 300 МВт (China Energy Overseas Investment) ва 200 МВт (tepelen group), Наманганда 700 МВт (Hyper Partners GmbH) ва 500 МВт (tepelen group), Самарқандда 100 МВт (ACWA Power), Қашқадарё вилоятида 300 МВт (Masdar)

470 МВт шамол электр станциялари:

Қорақалпоғистон Республикасида 200 МВт (ACWA Power), Тошкент вилоятида, 20 МВт (Uzbekgidroenergo), Самарқанд ва Жиззахда 250 МВт (Universal Energy)/

1 359 МВт электр энергиясини сақлаш тизимлари

Тошкент шаҳрида 150 МВт (Amea Power), 150 МВт (Eaglerise Development), Тошкент вилоятида 100 МВт (China Gezhouba Group Overseas Investments), Қашқадарёда 75 МВт (Masdar), Навоийда 150 МВт (China Energy Overseas Investment), Бухорода 334 МВт (ACWA Power), Наманганда 200 МВт (China Gezhouba Group Overseas Investments), Андижонда 100 МВт (China Gezhouba Group Overseas Investments), Қорақалпоғистон Республикасида 100 МВт (ACWA Power).

IV. Бюджет тўловлари, дебитор-кредитор қарздорлик ва харажатларни қисқартириш бўйича:

1-чорақда, бюджетга **70,3 млрд сўм** тўлов режалаштирилган, **86,5 млрд сўм** тўлов амалга оширилди, 2026 йил якунига қадар бюджетга **445 млрд сўм** тўланиши белгиланган.

2026 йилда Акциядорлик жамияти бўйича жами **637,3 млрд сўм** миқдорида сарф харажатларни қисқартириш ва режалаштирилган, 1-чорақда **145,3 млрд сўм** (101%) **иқтисод** қилинди. Йил бошидан жами **782 та 90,5 млрд.сўмлик харидлар** амалга оширилди.

маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “new.cooperation.uz” порталида рўйхатдан ўтган маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан 132 та 28,1 млрд сўмлик, электрон дўкон орқали 24 та 0,3 млрд сўмлик, миллий дўкон орқали 12 та 0,1 млрд сўмлик ҳамда Uz.RTXB орқали 97 та 6,7 млрд сўмлик, “Энг мақбул таклифларни танлаб олиш” орқали 6 та 4,8 млрд сўмлик, ягона етказиб берувчилар орқали 188 та 25,1 млрд сўмлик, xt-xarid.uz 77 та 1,0 млрд сўмлик, таклиф сўрови орқали 175 та 21,9 млрд сўмлик, “E.birja.uz” орқали 30 та 0,8 млрд сўмлик ҳамда тўғридан-тўғри 40 та 1,8 млрд сўмлик, электрон шартномалар тузилган.

V. Рақамлаштириш, сунъий интелект технологиларини жорий қилиш, трансформация жараёнлари амалга ошириш бўйича:

Жаҳон банки кредит маблағлари иштирокида “Диспетчерлик бошқаруви ва маълумотларни йиғиш дастурий-аппарат комплексини (SCADA) жорий қилиш” лойиҳасини “тайёр ҳолда топшириш” шарти асосида амалга ошириш бўйича 2026 йил 27 февраль куни “YEO Teknoloji Enerji ve Endüstri A.Ş.” (Туркия) компанияси билан шартнома имзоланди, **198 та** энергообъектни қамраб олиш кўзда тутилган бўлиб, ишлар **2 та** босқичда олиб борилади.

1-босқичда жорий йил якунига қадар SCADA/ЭМС дастурий комплекси ишга туширилади ва **52 та** объект уланади, 2-босқичда 2027-йил якунига қадар тизимга қўшимча равишда WAMS (кенг қамровли кузатув-мониторинг тизими) дастури ва PMU (фаза ўлчов қурилмаси) ўрнатилади, **146 та** объект интеграция қилинади.

ERP лойиҳаси асосида Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда, лойиҳани тайёр ҳолда топшириш шарти билан халқаро тендер савдолари якунларига кўра 2025 йил 30 апрелда “Terralink Technologies” МЧЖ компанияси билан шартнома имзоланди.

1-босқичда 2026 йил июлга қадар “Ўзбекистон МЭТ” АЖ марказий аппарат ҳамда “Тошкент МЭТ” филиалида ERP дастурини жорий этиш ва ишга тушириш, 2-босқичда 2026 йилнинг якунига қадар қолган ҳудудий филиалларида ERP тизимини жорий этиш ва ишга тушириш режалаштирилган.

Бундан ташқари, бир неча лойиҳаларда **сунъий интелект** технологияларидан кенг фойдаланилади, энергетика объектлари мониторинг платформаси, хавфсизлик ва иш унумдорлиги назорати, ходимларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш элементлари орқали ушбу тизимларнинг

барчаси ягона экосистемада бирлашиб, инсон омилини камайтиришга ва электр таъминоти ишончлилигини оширишга хизмат қилади.

ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА:

Кредит рейтингни ошириш, Fitch reytings, S&P Global ҳамда Moody's халқаро рейтинг агентликлари билан шартномалар имзоланди, агентлик саволномаларига кўра Акциядорлик жамиятининг кейинги 5 йил учун барча рискларини ўз ичига олган молиявий моделни янгилаш чоралари кўрилмоқда, бу ҳолат даромад, харажат ва пул оқимларини 2030 йилгача аниқ прогнозлаш имконини беради.

Жорий йил август ойига қадар халқаро кредит рейтинг даражани энг йирик учлик рейтинг агентликлари бўйича янгилайди, юқори кредит рейтинг даражаси - Акциядорлик жамиятининг халқаро молия бозоридаги ишончини оширади ва қарз жалб этиш шартларини яхшилайдди.

ESG тизимини жорий этиш – E&Y халқаро консалтинг компанияси жалб этилди (10.10.2025 йилда шартнома имзоланди 101,7 минг АҚШ доллари), ҳозирда ESG диагностикаси ўтказилди ва атмосферага чиқариладиган иссиқхона газлари миқдори баҳоланди.

Жорий йилнинг июнь ойига қадар Халқаро GRI ва SASB стандартларига мувофиқ 2025 йил учун Барқарор ривожланиш ҳисоботи (ESG ҳисоботи) ишлаб чиқиладди ва йил якунига қадар ESG рейтингига эга бўлинади. Бу тизим шаффофлик ва корпоратив бошқарув сифатини яхшилаб, Акциядорлик жамиятиимизнинг халқаро майдондаги инвестицион жозибадорлигини оширади.

Евробонд чиқариш – йил якунига қадар халқаро молия бозорларида **300,0 млн доллар** қийматида **еврооблигация** ларни жойлаштириш чоралари кўрилмоқда.

Бунинг учун халқаро тажрибага эга бўлган “Finasia Capital” LLC билан шартнома имзоланди (2025 йил 1-августда 1082025-сонли шартнома), ҳозирда халқаро молия бозорларини таҳлил қилиш, облигация чиқариш бўйича ҳуқуқий ва молиявий ҳужжатларни тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.

Жорий йил якунига қадар Лондон фонд биржасида Акциядорлик жамиятиимизнинг еврооблигациялари муваффақиятли жойлаштирилади - Акциядорлик жамиятиимизга узоқ муддатли молиявий ресурсларни жалб этиш ва олдимизда турган муҳим лойиҳаларни молиялаштириш имконини яратади.

VI. Мувофиқлик тизими (комплаенс) хизмати, юридик хизмат фаолияти самарадорлини ошириш ва ўта муҳим тоифаланган объектлар учун белгиланган талаблар ижроси бўйича:

Ҳар чорак якуни билан **e-anticor** платформасига тегишли маълумотлар киритилиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳамда Акциядорлик жамиятининг топшириқларига асосан Акциядорлик жамияти марказий аппарат ҳамда барча филиалларда тегишли раҳбар, ходимлар томонидан 2026 йил учун эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги йиллик декларациялар тўлдирилди, таҳлил қилиниб, натижасига кўра, марказий аппарат, филиаллар раҳбар ва масъул ходимлари ўртасида жами **6 та** “мавжуд” ва **154 та** “эҳтимолий” манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланди, бир-бирини бўйсунувида бўлган раҳбар ва ходимлар ротация қилиниб, бошқа лавозимга ўтказилди. Шунингдек, **154 та** “эҳтимолий” манфаатлар тўқнашуви ҳолати бўйича ҳар бир ходим билан профилактик суҳбатлар ўтказилди, келажакда “мавжуд” манфаатлар тўқнашуви ҳолатларига айланишига йўл қўймаслик ва уларни олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилиб, баёнлаштирилди.

“Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими” **ISO 37001:2025** Халқаро стандарт бўйича ўқув курсида **37 нафар** ходим қатнашиб, сертификат олган.

Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш реестри юритилиб Акциядорлик жамиятининг ички назорат тузилмаси томонидан ўрганилиб, кадрлар бошқармасига тегишли хулосалар тақдим қилиб борилмоқда.

Давлат харидлари бўйича “Энг яхши таклифларни танлаб олиш” йўли билан ўтказилган савдоларда **105 та** контрагент маълумотлари ўрганилиб, тегишли хулосалар берилди.

“Тошкент магистрал электр тармоқлари”, “Тошкент шаҳар магистрал электр тармоқлари”, “Магистралтармоққурилиш”, “Қашқадарё магистрал электр тармоқлари” ва “Энерго-IT” филиалларида Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилди. Унда ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек, манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазиятларни бартараф этиш юзасидан билим ва кўникмалари мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги **1050-сонли** “Электр тармоғи хўжалиги объектларини муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида МЭТ филиаллари тасарруфидаги электр тармоқларининг **муҳофаза зоналари** ҳудудларида **1 100 та** ноқонуний қурилмалар аниқланган.

Тошкент МЭТ филиалида 519 та, Навоийда 160 та, Бухорода 87 та, Фарғонада 59 та, Андижонда 87 та, Самарқандда 44 та, Сурхондарёда 43 та, Наманганда 41 та, Қашқадарёда 19 та, Сирдарёда 17 та, Хоразмда 16 та, Жиззахда 8 та.

Шундан, **689 та** ҳолат бўйича судларга даъво аризалар киритилган, **364 та** ҳолатда рад этилган ва ажрим асосида қайтарилган, **305 та** ҳолатда қаноатлантирилган, **21 та** аризалар судлар томонидан кўриб чиқилмоқда.

Аниқланган ноқонуний қурилмаларнинг **58 таси** ихтиёрий равишда ва **157 таси** суднинг қарорига асосан бартараф этилган.

Акциядорлик жамияти тасарруфидаги **идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари** ходимларидан **140 нафари** ИИБ Малака ошириш институти билан тасдиқланган Режа-жадвалга мувофиқ 1-босқичда (10-19-апрел кунлари) ўқув дастурларини муваффақиятли тугатиб, махсус сертификатга эга бўлдилар, 2-босқичда (22-30 апрель кунлари) **139 нафар** ходим ўқитилди.

Қашқадарё вилоят ИИБ ЖТСБ ходимлари билан ҳамкорликда 500 кВ кучланишли “Ғузур” подстанциясида идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлов бўлинмаси қоровулхона бино иншооти таъмирлаш ишларини якунлаш, шунингдек қурол сақлаш хонаси учун махсус рухсатнома олиш масалалари ўрганилди.

2026 йил I-чоракда Акциядорлик жамияти тасарруфидаги мавжуд 500 кВ **тоифаланган** подстанцияларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири – Ғуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2026 йил 27 январдаги 1-сон буйруғи асосида “Ғавқулудда вазиятлар содир бўлганда объект раҳбарияти, қутқарув тузилмалари ҳамда махсус хизматларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари” мавзусида 500 кВ кучланишли “Сурхон”, “Сўғдиёна” “Ғузур” подстанцияларида махсус-тактик ўқув машғулотлари, шунингдек, 220 кВ кучланишли “Шеробод”, “Чўпон-ота”, “Қарши”, “Косон”, “Амир-Темур” ва “Ўзгариш” подстанцияларида навбатчи муҳандис ва электр чилангарлари билан аварияга қарши машғулотлар ўтказилди.

Шунингдек, ФВВ Ғуқаро муҳофазаси институти “Сафарбарлик” йўналишида **2 нафар**, “Ёнгин хавфсизлиги” йўналишида **100 нафар** ходимларнинг малакаси оширилди.

VII. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, ижро интизомига риоя этилиши бўйича:

“*ijro.gov.uz*” ягона электрон тизимида ижро муддати белгиланган қонунчилик ҳужжатлари **167 та** (1 та Қонун, 23 та Фармон, 2 та фармойиш, 94 та қарор ва 47 та баёнларда) ва топшириқлари бўйича **636 та** (1 та Қонун, 114 та Фармон, 11 та фармойиш, 391 та қарор ва 119 та баёнларда) топшириқ мавжуд, шундан **419 таси** бажарилган, **217 таси** бажарилмоқда.

“*ijro.gov.uz*” ягона электрон тизимида 2026 йил 1 январь ҳолатидаги **242 та** топшириқ ижроси тўлиқ таъминланиб, тизимдан назоратдан ечилган, 1-чоракда **46 та** топшириқ ижроси тўлиқ таъминланди, тизимда муддати бузилган ҳужжатлар мавжуд эмас.

1-чоракда жами **168 та** мурожаатлар келиб тушган, шундан **158 тасига** ечим топилган, **10 таси** тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотларига йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг cabinetpm2.gov.uz сайти орқали **102 та** мурожаат келиб тушган, шундан **97 тасига** ечим топилган, **5 таси** таалукчилиги бўйича юборилган. Фуқароларни қабул қилиш учун алоҳида хона ажратилиб, видеокамера билан жиҳозланган.

VIII. Иш ўринлари яратиш, кадрлар салоҳиятини ошириш, ёшларга оид давлат сиёсати ижроси, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича:

- **1-чорақда**, жами **10 та** янги иш ўрни яратилди, **17 та** ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти ва етакчилари фаолият юритиб келмоқда;
- **343 нафар** ТДТУ ва ФДТУ талабалари дуал таълим тизими асосида Акциядорлик жамияти филиаллари тасарруфидаги юқори кучланишли подстанцияларда малакавий амалиёт ўтади;
- ўқув жараёнларини ишлаб чиқариш билан узвий боғлаш мақсадида **52 нафар** 2-4 босқич ТДТУ талабалари учун ҳафтанинг душанба ва пайшанба кунлари “Озодлик” подстанцияси ҳамда “Ходимлар тайёрлаш маркази” базасида дарслар ўтказилди;
- **8 нафар** иқтидорли талабалар доимий ишлаб чиқариш жараёнларига жалб қилинди, улар учун ҳақ тўланадиган стажировка тизими йўлга қўйилди;
- Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабида **2 нафар**, Тошкент давлат иқтисодий университетини билан ҳамкорликдаги Беларус Республикасидаги Полотск Эвфросин номидаги Полотск давлат университетинида **1 нафар** ходимга таълим олиш имкониятлари яратилди;
- **875 нафар** раҳбар ва ходимларнинг малакаси оширилди, жумладан, Марказлашган ўқув курсларида **108 нафар**, “Ходимлар тайёрлаш маркази”да **20 нафар** ҳамда филиаллардада ташкил этилган устоз-шогирд анъаналарига мувофиқ **695 нафар** ходимлар учун машғулотлар ўтказилди;
- **37 нафар** раҳбар-ходимлар чет элда малака оширди, **15 нафари** тажриба алмашди;
- ТДТУнинг **3 нафар** профессор-ўқитувчилари “Ходимларни тайёрлаш маркази”даги ўқув жараёнларига жалб қилинди, **4 нафари** Акциядорлик жамияти томонидан ташкил этилган “NR рақамли подстанция технологияси” бўйича амалий-назарий машғулотларда малака оширди.

Акциядорлик жамияти маблағлари ҳисобидан **29 нафар** ходимларни Республика олий таълим муассасаларида махсус сиртқи таълим йўналиши бўйича таҳсил олиши таъминланмоқда.

Ўзбекистон энергетика, нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг “Маҳаллани ривожлантириш ва Акциядорлик жамиятини юксалтириш йили” Давлат дастури асосида “Ўзбекистон МЭТ” АЖ Бирлашган

касаба уюшмаси кўмитасининг Дастури ишлаб чиқилди ва шу асосида ишлар олиб борилмоқда.

“Ўзбекистон МЭТ” АЖ ҳамда Бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси ўртасида 2026-2028 йилларга мўлжалланган янги “**Жамоа шартномаси**” тасдиқланди (04.02.2026 йил).

- **1-чоракда** Дастур ҳамда “Ёшларга оид давлат сиёсати” ижроси юзасидан жами **110 та**, шундан **75 та** маънавий-маърифий ва **35 та** спорт тадбирлари ўтказилди.
- Ходимларни байрам ва дам олиш кунларини мароқли ўтказиш мақсадида **924 та** концерт, **20 та** музей ҳамда **60 та** кино сарой чипталари берилди.
- “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасида Амирсойга **45 нафар**, Тошкент шаҳрига **50 нафар**, Хива шаҳрига **33 нафар**, жами **128 нафар** ходимлар ва уларни оила аъзолари саёҳат ташкил этилди.
- Наврўз байрами ва Рамазон ҳайити муносабати билан **84 нафар** нафақадаги ёлғиз фуқароларга ҳамда фахрийларга озиқ-овқат тўпламлари топширилди, моддий кўмакка муҳтож, кам таъминланган, даволаниш зарурати мавжуд **145 нафар** ходимга моддий ёрдам ажратилди, бахтсиз ходиса туфайли вафот этган ҳамда жабрланган ходимлар оилаларидан **22 нафар**га моддий ёрдам кўрсатилди;
- “Наврўз” байрами муносабати билан ўтказилган спорт мусобақалари **833 нафар** ходимлар иштирок этишди ва совринли ўринларни эгаллаган ходимларга эсдалик совғалари топширилди;
- Касаба уюшмаси маблағлари ҳисобидан **15 нафар** ходимлар ва уларнинг оила аъзолари соғликларини тиклашди, ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан **3 нафар** ходимлар соғликларини тиклашди, **1 нафар** афғон уруши қатнашчисига бепул йўлланма берилди, МХТФ маблағлари ҳисобидан **4 нафар** фахрийлар санаторияда соғликларини тиклашди;
- Кисловодск шаҳридаги “Ўзбекистон” санаториясида **4 нафар** ходим дам олиш билан бир вақтда малака оширишди;
- 11–12 апрель кунлари “Энергетиклар сихатгоҳи”да барча филиаллар жамоалари иштирокида мини футбол бўйича “Бошқарув раиси кубоги-2026” мусобақаси ўтказилди;
- касаба уюшмалари томонидан подстанция ва хизматларга **107 марта** чиқиб меҳнат шaroитларини ўрганилди ва аниқланган камчиликлар бартараф этилди.

“**Яшил макон**” умуммиллий лойиҳаси доирасида 2026 йилда жами **25 000** туп кўчат экиш режалаштирилган. Баҳор мавсумида **15 210 туп** кўчат экилди (*режа 15 000 туп*), Ўзбекистон Республикасининг Эко платформасига киритилган, куз мавсумида **10 000 туп** кўчатлар экилади ва кўчатларни харид қилиш учун шартномалар тузилган.

Юқоричирчиқ тумани, Саксонота МФЙ ҳудудидан ажратилган “Яшил белбоғ” ер майдони (7,6 гектар) **2 000 туп** мевали дарахт кўчатлари ва **3 500 туп** манзарали

дарахт кўчатлари экилди ва маълумотлари “Эко платформа”га киритилди, ушбу ҳудудда томчилатиб суғориш тизими ташкил этилмоқда.

“Ўзбекистон МЭТ” АЖда электр энергиясини узатиш, тизимларни эксплуатация қилиш ва ривожлантириш, 2026 йил “Ёз мавсуми” ҳамда “**2026-2027 йиллар куз-қиш мавсуми**”да барча ҳудуд ва тармоқлар учун ишончли ва узлуксиз электр таъминотини йўлга қўйиш ҳамда экологик тоза, қайта тикланувчи муқобил энергия манбаалари ҳисобидан режаларни амалга ошириш борасида ишлар давом эттирилади.

Батафсил маълумотлар расмий веб-сайтнинг “Янгиликлар”, “ОАВ ҳамда жамоатчилик билан ишлаш”, “Ҳисоботлар”, “Келиб тушган мурожаатлар” ва бошқа рукнлари орқали тақдим этиб борилмоқда.

- ◆ Веб-саҳифа: <https://www.uzbekistonmet.uz/>
- ◆ Telegram: <http://t.me/uzmetaxborotxizmati>
- ◆ Facebook: <https://www.facebook.com/elektrtarmoq>
- ◆ Instagram: <https://www.instagram.com/uzbekistonmet.uz>
- ◆ X: <https://x.com/uzbekistonmet>
- ◆ Odnoklassniki: <https://ok.ru/group/61026265792660>
- ◆ Utube: <https://utube.uz/ru/users/7208>
- ◆ Youtube <https://www.youtube.com/channel/UC6cRpsasTIKnReaCXXqccdg>
- ✉ Электрон почта: info@uzbekistonmet.uz
- ✉ E-xat: uzbekiston_met@exat.uz
- ☎ Call centre рақами: +998 (55) 500-5545

👑 «Ўзбекистон МЭТ» АЖ Ахборот хизмати

*МВА — мегавольт•ампер; МВт — мегаватт;
ГВт — гигаватт; кВ — киловольт; кВт — киловатт